O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch — adolatda

# Adolat

Ozbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan · 2001 yil 23 mart · juma · № 12 (299) · sotuvda erkin narxda




## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун еру кўкни яшнатиб, бепоён далалар, баланд тоғлар, гул очган боғларимизни, қир-адирларимизни офтоб нури билан мунаввар этиб, юртимизга кириб келаётган Наврўзи олам билан сизларни, сиз орқали бутун халқимизни муборакбод этишдан бахтиёрман.

Қадрли дўстлар!

Бу дунёда бир-биридан гўзал, бир-биридан ажойиб байрамлар кўп. Лекин Наврўз айёми беқиёс файзу тароватии, кўрку салобати, маъно-мазмуни билан алоҳида ажралиб туради.

Шу боис Наврўз халқимизнинг энг қадимий, энг севимли ва доимо орзиқиб кутадиган миллий байрами, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шу кунларда куртакларнинг очилиши, борлиқнинг яшил либосга бурканиши, табиатдаги янгиланиш беихтиёр одамнинг кўзини қувонтиради.

Барчанинг дилида меҳр-оқибат, саховат ва эзгулик, ҳаётга муҳаббат ва ёшариш туйғуларини уйғотади.

Мана шу заминда яшаётган ҳар қайси инсонни ўзлигини англашга, ўлмас қадриятларимизни улуғлаш, аждодларимизнинг қадимий миллий анъаналари, бетакрор санъатини эъзозлаш ва намоён этишга чорлайди.

Бир сўз билан айтганда, бу гўзал байрам чиндан ҳам халқимизнинг ажралмас анъанасига, табиатнинг узвий бир қисмига айланиб кетганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бундан минг-минг йиллар аввал, ўша «Авесто» яратилган замонларда ҳам ота-боболаримиз бу улуғ айём кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларида, бепоён Турон далаларида табиат билан тиллашиб, Наврўз нашидасини сурганлар.

Қўш ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим каби таомлар қайнатиб, мўл ҳосил, ризқу рўз тилаб, янги-янги орзу ниятлар билан яшаганлар.

Бугун ҳам дашту далаларда, қир-адирларда от чоптириб, курашга тушиб, дошқозонлар атрофида ўйин-кулгу, сайил-томоша қилиб ўтирган инсонларнинг қувончу шодлигини кўриб, Наврўзни халқимиз нақадар интизорлик билан кутишига, бу байрам унинг қалбига нақадар яқин эканига яна бир карра иқрор бўламиз.

Мана шунинг учун узоқ ўтмишимиз ва яқин тарихимизда ҳам ҳеч қандай ёвуз кучлар, ҳаракат ва интилишлар, алдов ва ҳийла-найранглар халқимизни Наврўз байрамидан қайтара олмади.

Шу кунларда кўпмиллатли халқимиз, узоқ-яқиндан келган меҳмонларимиз, юртимиздаги барча инсонлар бу байрамни жуда катта хурсандчилик билан ўтказаётганидан одам беихтиёр қувонади.

Қадим-қадимдан қолган мўътабар анъаналаримизни бажо келтириш, одамларнинг бир-бирига бўлган меҳрибонлигини намоён этиши, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш, ёрдамга муҳтож инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш, беморларни йўқлаш ҳам Наврўз байрамининг яна бир хосиятидир.

Ҳеч шубҳасиз, бугун кундалик ҳаётимизда тобора кучайиб бораётган ҳамжиҳатлик, сабр-бардош, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат-эҳтиром қанча мустаҳкам бўлса, бошқача айтганда, яхшилик, аҳиллик, ҳамкорлик қанчалик кўп қарор топса, бир-бирини кўролмаслик, тажовуз, ҳасад билан яшашга, умуман, ёмонликка ўрин қолмайди.

Наврўзнинг бутун руҳи, бутун моҳияти, аслида мана шундай олижаноб туйғуларни уйғотишга ва ҳаётимизнинг ҳар соҳаси, ҳар қадамида уларнинг устувор бўлишига даъват этади.

Муҳтарам юртдошлар!

Ён-атрофимизга — Наврўз нафаси, кўклам қуёшидан яшнаб турган шу муаззам боққа бир назар ташлайлик.

Бугун, мана шу майдонда йиғилганларнинг ҳам, Наврўз тантаналарини «ойнаи жаҳон» орқали томоша қилаётган халқимизнинг ҳам нигоҳи Миллий боғимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшиб турган Алишер Навоий бобомизнинг мўътабар сиймосига қаратилган.

Шахсан менга, гўёки ҳазрат Навоий бугун юртимизда бошланаётган Наврўз тўйимизга оқ фотиҳа бераётгандек туюлади.

Ул зотнинг муқаддас диёримизда истиқомат қилаётган инсонларга, барча миллат ва элат вакилларига қарата «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!» деб айтган сўзлари қулоқларимиз остида жаранглаб тургандек туюлади.

Мана шундай шукуҳли бир паллада биз бамисоли баҳорга эшикларимизни очгандек, юракларимизни ҳар эзгу туйғуларга кенг очамиз.

Ва шу муқаддас заминда яшайдиган барча юртдошларимизни номидан «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!» деб айтамиз.

Қадрли ватандошларим!

Бугун, янги аср, янги минг йилликнинг илк Наврўз айёмида сизларнинг бахтиёр чеҳрангизга боқиб, ҳар бирингизни бағримга босиб, баҳор ва нафосат байрами билан яна бир бор қутлайман.

Бугун биз ушбу шодиёнамизга турли давлатлардан ташриф буюрган меҳмонларимизга, хорижий элчихоналар, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, ён-атрофимиздаги мамлакатларнинг халқларига ўзимизнинг самимий тилакларимизни изҳор этамиз.

Келинглар, азиз дўстлар, биродарлар, тун билан кун тенглашадиган мана шу унутилмас айёмда, юртимизга Янги йил кириб келаётган хосиятли дамларда барча эзгу тилакларимизнинг ижобат бўлишини сўрайлик.

Халқимизнинг ризқу насибаси зиёда бўлсин, ерга сочган уруғи баракали бўлсин!

Яратганимизнинг ўзи юртимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин!

Ҳаммангизга Наврўз муборак бўлсин!

# «ҲАР КУНИНГ НАВРЎЗ БЎЛСИН!»

***Ўлкамизга ям-яшил сепини ёйиб фасллар келинчаги Наврўзи олам кириб келди. Борлиқ уйғонди, дов-дарахтар яшил либос кийиб теварак-атроф гулу лолага бурканди. Бободеҳқон яхши ният билан ерга уруғ қадашга киришди. Юртимизда Наврўз шукуҳи — яшариш, янгиланиш, бунёдкорлик кайфияти ҳукмрон!***



**• Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами зўр шодиёна ва кўтаринкилик руҳида ўтди.**

21 март. Соат 10. Пойтахтимиздаги байрамона безатилган Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ранг-баранг гулларга, мушк анбарга бурканган гулшанни эслатади. Баҳор елларида турфа байроқлар ҳилпирайди. Рамзий миноралар устида лайлак уялари. Дошқозонларда сумалак, ҳалим қайнайди, кўклам таомларининг иси димоқни қитиқлайди. Барчанинг юзида — табассум, юртимиздаги тинч, осойишта ва фаровон турмушдан шукроналик.

Табиийки, ҳар қандай байрам йил давомида амалга оширилган ишларнинг самарасини кўриш, ундан қониқиш ҳосил қилиш ҳиссини туйиш билан янада файзли бўлади. Халқимиз бу йилги Наврўзга кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан қадам қўйди. Қисқа вақт мобайнида юртимизда бир-биридан ҳашаматли коллежу лицейлар, турар-жойлар, спорт иншоотлари, улкан кўприклар, йўллар қурилди, боғу роғлар, хиёбонлар бунёд этилди. Куни кеча эса Марказий Осиёда ягона Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи ҳамда Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга тушди. Юртимизда амалга оширилаётган бундай хайрли ишларни яна кўплаб санаш мумкин...

Шундай бунёдкорлик салоҳияти дарёдек жўш урган халққа, албатта, байрам ярашади!

Боғ ўртасида барпо этилган улкан саҳна қаршисида ҳазрат Алишер Навоийнинг салобатли сиймоси қад ростлаган. Ул муборак зот гўё миллат иқболи, авлодлари шижоати, ижоди ва бунёдкорлиги шарафига жозибали ва мафтункор мисралар битмакка, олқишламоққа шайланиб тургандек.

Байрамга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги намояндалари ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ва ҳорижий меҳмонлар ташриф буюрган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов майдонга кириб келди. Мамлакатимиз раҳбарини барча ўрнидан туриб, гулдурос қарсаклар билан қарши олди.

Янги аср, янги минг йилликнинг илк баҳори — Наврўзи оламга бағишланган байрам тантаналари бошланишидан дарак бериб, чорлов мусиқаси янграйди.

Табрик учун сўз Президент Ислом Каримовга берилади.

Юртбошимиз мамлакатимиз халқини қутлуғ айём — уйғониш, янгиланиш, яшариш байрами, қут-баракат элчиси — Наврўз билан самимий қутлайди.

# ХАЛҚ ШОИРИГА ЭҲТИРОМ

***Юртимизда давом этаётган Наврўз тантаналари яна бир қутлуғ воқеага уланиб кетди. Атоқли ижодкор, халқимизнинг ғурур ва ифтихори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов 60 ёшга тўлди. Президент Ислом Каримов 22 март куни шоирни Оқсаройда қабул қилиб, таваллуд айёми билан муборакбод этди.***



Абдулла Орипов 60-йилларда ўзбек шеърияти осмонида чақиндек пайдо бўлди. Унинг илк шеърлариёқ адабиёт ихлосмандлари қалби тўридан мустаҳкам жой олди. «Митти юлдуз», «Кўзларим йўлингда», «Руҳим», «Онажон», «Ҳайрат» каби илк шеърий тўпламлари уни катта истеъдод эгаси сифатида тез орада халққа танитди.

Шоирнинг бирин-кетин дунё юзини кўрган «Юзма-юз», «Йиллар армони», «Ишонч кўприклари» каби шеърий тўпламлари, «Ҳаким ва ажал», «Жаннатга йўл», «Ранжком», «Соҳибқирон» сингари достон ва драмалари ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарди, у яратган адабий мактаб миллий тафаккурни янада юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшди.

Куни кеча шоирнинг тўйига ўзига хос тўёна бўлиб, тўрт жилдлик асарлар тўплами босмадан чиқди. Шеърият мухлислари учун эса ижодкорнинг барча асарларидан баҳра олиш имконияти туғилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги маънавий-маърифий юксалиш даврида Абдулла Орипов шеъриятининг аҳамияти ниҳоятда катта эканини таъкидлади. Суҳбат чоғида адабиётнинг жамият олдидаги вазифаси, унинг ҳаётдан доимо олдинда юриши, одамларга тўғри йўлни кўрсатиши, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этиши лозимлиги ҳақида қизғин баҳс юритилди.

Шу маънода, бугунги куннинг замонавий қаҳрамонларини яратиш, ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшларни ана шу фидойи инсонлар ҳаёти мисолида тарбиялаш адабиётимиз олдида турган муҳим вазифа экани таъкидланди.

Ҳозирги адабий жараёнга танқидий баҳо берар экан, Ислом Каримов, адабиёт аҳли, муҳтарам ёзувчи ва шоирларимиз халқимизга Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги дея мухтасар ифодаланган олий мақсадларимиз моҳиятини, бугунги мураккаб ҳаётимизда ўз фидойилиги, тадбиркорлиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётган инсонлар ҳаётини бадиий образлар орқали очиб беришлари керак. Айтмоқчиманки, ижодкорларимиз кўп бўлсин, элим, юртим деб яшасин, замонга муносиб ижод қилсин, дея таъкидлади.

Биз XX аср ўзбек адабиётини Абдулла Қодирий, Ғофур Ғулом, Ойбек каби мумтоз адибларсиз, замонавий адабиётимизни Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов сингари ижодкорларсиз тасаввур эта олмаганимиздек, - деди Президент,- маънавий келажагимиз, фаровон ва буюк истиқболимизни Абдулла Орипов ижодисиз ҳам кўз олдимизга келтира олмаймиз. Ҳозирги даврда ҳам унинг шеърлари халқимизни адолат тантанаси, ёруғ келажакка ишонч руҳида тарбиялайдиган юксак маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг ниҳоясида Абдулла Ориповга эсдалик совғаларини топширди.

Қабул маросимида севимли шоиримиз сўзга чиқиб, кўрсатилган улкан эҳтиром учун Президентимизга чуқур миннатдорчилик билдирди.

- Инсон яралибдики, бахт нима деган саволга жавоб излайди,- деди Абдулла Орипов. - Менинг бахтим мана шу хуррият замонини кўриш насиб этганида, деб биламан. Бугун менга билдирилаётган ҳурмат-эҳтиромни адабиётимиз, бутун маданиятимиз намояндаларига кўрсатилаётган эътибор рамзи деб қабул қиламан.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг 60 йиллик таваллуд тўйига бағишланган тантанали кеча 23 март куни «Туркистон» саройида бўлиб ўтади.

**(ЎзА).**

# ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

• БОГОТА. Колумбия айирмачи гуруҳ вакиллари бир неча қишлоққа ҳужум уюштирди. Жангарилар ўн уч нафар деҳқонни отиб ўлдирган.

* * *

**• НЬЮ-ЙОРК. Бу ерда албан миллатчилари маҳаллий албан жамоасидан Македониядаги жанговар ҳаракатларда иштирок этиш учун кўнгиллиларни ўз сафига чақирмоқда. Ўтган дам олиш кунидан албан тилида чоп этиладиган «Бот сот» газетасида Македония албанларидан ташкил топган «Миллий озодлик армияси»га қўшилиш ва унга молиявий ёрдам кўрсатишга чақирувчи дастлабки эълон босилди.**

* * *

• БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентинада жиддий сиёсий инқирозлар юз бераётган бир пайтда янги иқтисодиёт вазири тайинланди. Бу лавозимни 90-йиллар бошида «Аргентина иқтисодий мўъжизаси» муаллифи бўлган Доминго Кавалло эгаллади.

* * *

**• ТАЛЛИН. Эстония мудофаа кучлари қўмондони контр адмирал Тармо Киутснинг айтишича, мамлакат НАТО аъзосига айланса, ўз ҳудудига альянснинг ҳарбий базаларини жойлаштириши мумкин.**

* * *

• КИЕВ. Ровенск атом электр станциясининг учинчи энергия блоки таъмирлаш ишларини олиб бориш учун тўхтатилди. Блокни март охирларида ишга тушириш режалаштирилган.

* * *

**• ДЕҲЛИ. Ҳиндистон миллий конгресси (ҲМК) мухолиф партияси мамлакат ҳукуматини истеъфога чиқариш мақсадида турли тадбирлар ўтказишини маълум қилди. Бунга ҳукумат вакиллари ўртасида коррупциянинг кучаяётгани сабаб бўлмоқда, деди партия расмий вакили Жайпал Редди. Унинг айтишича, мамлакатда бир неча кундан сўнг ҲМК ташаббуси билан намойишлар ўтказилади.**

* * *

• УЛАН-БАТОР. Мўғулистонда 20 май куни президент сайлови ўтказилади. Шу сабабли мамлакатда сайловолди тадбирлари бошланди. Марказий сайлов комиссияси маълумотига қараганда, ушбу тадбирни ўтказиш учун 500 минг АҚШ доллари ажратилди. Ҳозирча президентликка фақат мамлакат Демократик партияси ўз номзодини кўрсатган, холос.

* * *

**• ЛОНДОН. Буюк Британия қишлоқ ва балиқчилик хўжалиги вазири Ник Браун мамлакат аҳолисини оқсим касаллигининг тарқалиши яна бир неча ойга чўзилиши мумкинлигидан огоҳлантирди. Унинг айтишича, ҳозир 230 дан ортиқ фермада оқсим тарқалгани расман рўйхатга олинган. Ушбу касалликни бутунлай бартараф этиш учун эса уч ой зарур бўлиши мумкин, деди вазир.**

* * *

• УММОН. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Иорданияда 27 март куни ўтказиладиган араб давлатлари раҳбарларининг навбатдаги саммитида иштирок этишга розилик билдирди. Иордания ташқи ишлар вазирлиги вакили шуни маълум қилди.

